O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

**АҲОЛИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЯНГИ ҚАДРИЯТЛАР ВА КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ПИРОВАРД НАТИЖАДА ЭСА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМНИ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТИШНИ УМУММИЛЛАТ ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАДАНИЯТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШ ҒОЯТ МУҲИМДИР.**

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ ❐ 24 ИЮНЬ ❐ ШАНБА
№ 72 (26622)




Нонинг бутун Ўзбекистоним! Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

## ХАЛҚАРО МОЛИЯ ҲАМЖАМИЯТИ МУКОФОТИ



Осиё ва Тинч океани минтақасининг йиллик банк конгрессида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури»ни амалга ошираётганлиги учун халқаро молия ҳамжамиятининг юқори мукофоти топширилди. Конгресс май ойининг охирида Куала-Лумпурда (Малайзия) ўтказилди. Миллий банк хусусий секторни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун «Энг яхши молиявий ривожлантириш дастури» номинациясида ғолиб деб топилди.

■ (ЎзА)

## ВАТАН ИФТИХОРЛАРИ

Асримизнинг сўнгги олимпиадаси бошланишини мухлислар сабрсизлик билан кутишмоқда. Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтажак XXVII олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга чоғланганлар сафи эса тобора кенгаймоқда. Ватанимиз ифтихорлари ҳозир 69 нафарга етди. Яна 5 нафар ўғил-қизимиз олимпия йўлланмасини олишга интилмоқда.

## СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасида оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли журналистлар, ёзувчи-шоирлар иштирок этишди.

— Матбуот — жамиятни ҳаракатлантирувчи куч. Шу маънода унинг одамлар онгига таъсири кучли. Ана шу сабаб биз матбуотни энг ишончли ҳамкор деб биламиз, — деди «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов.

Кеча сўнггида бир гуруҳ журналистларга эсдалик совғалари улашилди.

■ Шуҳрат ОРИФ

ЙИЛ ОЙ КУН

## «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»



Бир неча йилдирки, мамлакатимизда «Ўзбекистон — Ватаним маним» сара қўшиқлар кўрик-танлови бўлиб, у кўплаб ёш истеъдодлар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда, — дейди **мухбиримиз А. Ҳайдаров.**

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Денов туман маданият ишлари бўлими иштирокчиси Нигора Лутфуллаева кўрик-танлов ғолиби, деб топилди. Нигора энди республика қўшиқлар кўрик-танловида иштирок этади.

## «РОҲАТ» ИЧИМЛИГИ КЎПАЯДИ



«Роҳат» ҳиссадорлик жамияти етти турдаги алкоголсиз ичимлик, уч хил пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Германиянинг «Дёлер» фирмаси билан ҳамкорликда «Грейпфрукт», «Малина», «Киви» лимонадларини, Голландиянинг «Квест» фирмаси билан «Шафтоли» ичимлиги тайёрланмоқда, — дейди **мухбиримиз А. Мамасодиқов.**

Табиий хомашёдан тайёрланган шифобахш яхна ичимликлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. «Тошкент» ва «Райҳон» лимонадлари шундай ичимликлардан.

## САРА ДОН — ХИРМОН-ХИРМОН

Пешку тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини Бухоро вилоятида биринчи бўлиб бажардилар, — дея суюнчилайди ҳамкасбимиз **Даврон БАҲРОНОВ.**

— Ғаллакорларимиз оилавий пудрат асосида ишлаганликлари хирмон баракасини таъминлади, — дейди туман ҳокими Шокир Собиров. — Шу боис қисқа муддатда қабул масканларига 12083 тонна дон топширилди.

Ҳа, пешкуликлар хирмони кун сайин юксаляпти. Бунга Ибн Сино номли, «Пахтаобод», Й.Эргашев номли, Ш. Эргашев номли, «Маданият» ширкат хўжаликлари, «Фаттоев», «Жўра Нишод» сингари ўнлаб фермер хўжаликлари, айниқса салмоқли ҳисса қўшибгина қолмай, балки ҳосилдорликни 50-76 центнерга етказдилар.

## ТААССУРОТИ БИР ОЛАМ

Россия Федерациясининг Курган вилоятидан Наманганга меҳмон келди. Вилоят маъмурияти раҳбарларидан иборат делегация аъзоларида мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодиёт ва айниқса, спортга берилаётган эътибор катта таассурот қолдирди.

«Косонсой — Текмен» каби ўнлаб қўшма корхоналарда бўлиб, Наманган билан ўзаро алоқалар боғлаш катта иқтисодий наф келтиришига иқрор бўлган вилоят ҳокимлигида ҳамкорлик битимлари туздилар.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!**

## СУВ ЮЗИДАГИ ДОҒ

### ёхуд Термиз туманидаги «Уч қизил» сув омбори тагидан нефть сизиб чиқаётгани тўғрисида

Ҳикоямиз Термиз тумани ҳудудида жойлашган «Уч қизил» сув омбори ҳақида. Маълумки, сув омбори қурилмасдан олдин ерлар қуруқликлардан иборат бўлган. Сув омборининг ўрни ва унинг атрофларидан 1936-1946 йилларда нефть олиш учун чуқурлиги тахминан 400 метр бўлган 106 та қудуқ қазилган ва фаввора усулида нефть чиқариб олинган. 1946 йилда молиявий-иқтисодий талабларга жавоб беролмагани туфайли «иш муддатини ўтаган», деб ёпиб қўйилган. Орадан бирмунча вақт ўтиб, бу ерда сув омбори қурилган эди. Бу сув ҳавзасининг кенгайиб бориши натижасида, ёпилган қудуқлардан 16 таси сув омбори остида қолиб кетган эди. Натижада сув остида узоқ йиллар қолиб кетган қувурлар занглаб, чирий бошлаган. Устига-устак сув юзасига қалқиб чиққан нефть қолдиқлари сув омбори қирғоқларига урилиб, қорайтириб юбораяпти.

Яқинда Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан 78-қудуқдан нефть сизиб, сув юзасига чиқиб ифлослантираётгани тўғрисида маълумот келиб тушди.

Орадан кўп ўтмай, бу хавфни тез бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, полковник Аҳмад Саидов бошчилигида тезкор штаб тузилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш, «Ўзбекгеология» давлат қўмиталари, «Ўзбекнефтгазхолдинг» миллий компанияси, «Ўзбургнефть» ҳиссадорлик компанияси, Сув хўжалиги назорат инспекцияси ва Сурхондарё вилоятининг мутасадди раҳбарлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, яъни сув остида қолиб кетган қудуқдан сизиб чиқаётган суюқликни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Бу ерда шу соҳа мутахассислари тўпланишиб, ўзаро ҳамкорликда штаб йиғилиши ўтказилган эди.

Айтиш керакки, йиғилишда ғоят ибратли таклифлар ўртага ташланди. Энг муҳими, омбор сувини, бу ердаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, шу атрофда истиқомат қилаётган аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сув омбори тагида қолиб кетган 16 нефть қудуғини бутунлай ёпиб қўйиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Фавқулодда вазиятларда асқотадиган зарур асбоб-ускуналар теплоходга жойлаштирилди. Штаб аъзолари, Навоий кон-металлургия комбинатидан келган мутахассислар, тажрибали ғаввослар ва бошқалар нефть сизиб чиққан жойга етиб келдилар. Ғаввослар махсус иш кийимларини кийиб, сув остидаги нефть сизиб чиқаётган жойни аниқлаш мақсадида сувга шўнғиб у ердаги вазиятни ўрганиб чиқдилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, сув остидан ахборот олиш ва узатиш учун замонавий радиоалоқа мавжуд бўлиб, улар ана шу усулдан унумли фойдаландилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, сув остида қолиб кетган қувурлардан сизиб чиқаётган нефтни тўхтатиб, қудуқни бутунлай ёпиб қўйилмаса, вазият кескинлашиши мумкин. Чунки, аҳвол шу тариқа кетаверса, сув омбори ишдан чиқиши ҳеч гап эмас.

Вазият таҳлил этилгач, мутахассислар қуйидаги хулосага келдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**К.ЭРНАЗАРОВ: («Ўзбекнефтгазхолдинг» миллий компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, «Ўзгеонефтгаздобича» ҳиссадорлик компанияси бош директори):**

— Мен бу вазиятни 2 босқичда олдини олишни тавсия қиламан. Биринчидан, нефтнинг сув сатҳига чиқиб, ифлослантириши натижасида табиатга зарар етказмаслик учун вақтинча йиғиб турадиган мослама билан таъминлаш керак. Иккинчидан, 106 та қудуқнинг 16 таси сув омбори тагида қолиб кетган. Ўша қудуқдан биттаси, яъни 78-чисидан қувурларнинг чириб кетиши натижасида нефть сизиб чиқаяпти. Ўша вақтда қазилиб, яна ёпиб қўйилган 400 метр чуқурликда пармаланган қудуқларнинг ер ости конструкциялари тўлиқ беркитилганлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Балки, бу ерда грифон пайдо бўлиб, қудуқ ёнларидан газ ва нефть маҳсулотлари сувга қўшилаётган бўлиши мумкин.

**Н. ХОЛМУРОДОВ (Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси):**

— Қўмитамиз томонидан «Уч қизил» сув омбори кейинги йилларда мунтазам кузатилмоқда. Сўнгги пайтларда сув юзаси ифлосланиб, сувда яшовчи ҳайвонларга ва омбор қирғоқларига таъсир кўрсатаяпти. Шунинг учун ҳам сув юзасига тарқалаётган нефть доғларини йиғиб оладиган мосламаларни зудлик билан ясаб, ишга туширишни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Жарқўрғон нефть конлари бошқармалари зиммасига юклаш керак. Яна бир таклифим, сув тагида қолиб кетган 16 та нефть қудуқларининг ҳолатини тўлиқ ўрганиш учун ғаввосларни чақириб, нефть чиқишини камайтириш ёки тўлиқ тўхтатиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

**В.ЛИКВЕРМАН («Ўздавсувхўжаликназорат» инспекцияси мутахассиси):**

— Сув омбори ичидан дамба қилиш мутлақо нотўғри, бу катта харажат талаб қиладиган иш. Нефтни вақтинча йиғиб оладиган мослама ўрнатишга қўшиламан. Қисқаси, бу масалада жаҳон тажрибасига таянган ҳолда ҳам иқтисодий, ҳам экологик самара берадиган тадбирларни амалга ошириш керак.

**О.МАМАТМЎМИНОВ (Сурхондарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари):**

— «Уч қизил» сув омбори 160 млн. метр куб сув йиғиш қобилиятига эга бўлиб, шундан 80 млн. метр куби қолдиқ ҳисобланади. Сув омбори умумий майдони 5 минг гектар бўлган 4 та хўжаликка ва шу билан бирга 15 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Термиз туман маркази — Уч қизил қўрғони ҳудудларини оби ҳаёт билан таъминлайди. Ана шуларни ҳисобга олиб, сув сатҳига қалқиб чиқаётган нефтни вақтинча йиғиб оладиган иншоотни қуриш таклифига қўшиламан, бироқ қолган қудуқларни ҳам шу ҳолга келиб қолмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак. Мироблар, экологлар бу масалада назоратни кучайтиришлари зарур. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дамба қуриш узоқ муддатга чўзилиб кетишини ҳамда омбордаги сув сиғими 10-15 млн. метр кубга камайишини эътиборга олиб, нефтчилар бу масалани яна бир бор кўриб чиқишлари, қудуқларни зудлик билан ёпиб қўйишларини таклиф қиламан.

Дарҳақиқат, сув — энг катта бойлик. Фақат ундан тежамкорлик билан оқилона фойдаланилсагина кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Яна бир муаммо мавжудки, бу ерда чўмилиб дам олувчилар учун шароит етарли эмас. Айниқса, сувда чўкиб кетиш ҳоллари юз бергудек бўлса, чўмилувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳеч қандай кафолат йўқ. Қутқарув станцияси бор-у, у бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Улар учун ажратилган кичкина бинонинг ўзи таъмирга муҳтож бўлиб турибди. Қайиқлар занглаб қантарилган ҳолда ётибди. Ғаввослар учун қутқарув асбоблари, тезкор алоқа тизимини яхшилаш жуда муҳим.

Ҳар қандай тилсимот инсоният ақли олдида ожизу лол қолади. Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар тез кунлар ичида шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда бу ишларни ниҳоясига етказиши зарур. Зеро, шу атрофда яшаётган инсонлар тақдирини ўйлаб иш тутишлари, ҳайвонот ва набобот оламини асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. Бу кутилмаган вазиятни ўз вақтида бартараф этмасак, кўнгилсиз оқибатлар юз бермаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Ўйлаймизки, мутасадди раҳбарлар бу муаммонинг аниқ бир ечимини топадилар ва тез кунларда амалий ишга ўтадилар.

■ **Азамат СУЮНОВ, журналист**

## МАТБУОТ ВА ҲАЁТ

Навоий вилоят ҳокимлиги ва вилоят матбуот бошқармаси «Матбаачилик соҳасини янги технологияга ўтказиш ва матбуот уюшмаси ишини давр талаби асосида ривожлантириш» мавзуида семинар-кенгаш ўтказди.

Нуротада ўтказилган бу йиғинда вилоят матбуот бошқармаси тизимидаги корхоналарда амалга оширилаётган ишлар ва вазифалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг шу кун талаблари даражасидаги ишлари хусусида маърузалар тингланди, — деб хабар беради **Ў.Пўлатов.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?»

«Ўзбекистон овози»нинг 2000 йил 3 июнь кунги сонида босилган «Алдагани бола яхшими?» мақоласи Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида муҳокама қилинди. Туман маданият ишлари бўлими, «Боғи Эрам» истироҳат боғи раҳбарияти ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрамини ўтказиш бўйича мутасадди ходимларнинг мақолада келтирилган камчиликлар бўйича тушинтиришлари тингланди.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг 29 май куни берган топшириғига кўра, 1 июнь куни барча кўнгилочар аттракционлар бепул ишлаши талаб қилинган эди.

Байрам куни «Боғи Эрам» истироҳат боғи тасарруфидаги 10 та аттракционларнинг барчасига 33590 та таклиф-чипталар тарқатилди.

Лекин истироҳат боғи ҳудудида шартнома асосида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ташкил қилган айрим аттракционлар берилган топшириқни охиригача етказмай 14.30 дан сўнг пуллик хизмат кўрсатишга ўтганлар.

Шу куни йўл қўйган камчиликлари учун туман маданият ишлари бўлими бошлиғи А.Худойбергановга ва «Боғи Эрам» истироҳат боғи директори С.Собировга ҳайфсан эълон қилинди.

■ **Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари С. СОДИҚОВА**

